



# Телевидениенинг ҳақиқий ватани

11-бет

# Ishonch

2008-yil  
4-dekabr  
№145  
(2558)  
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta \* E-mail: ishonch-doverie@mail.ru \* Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Конституция — бахтимиз қомуси

Яқинда Тошкент юридик коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани коллеж директори Н. Темирова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Умарованинг «Инсон ҳуқуқларининг Конституциявий ҳуқуқий кафолати», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидовнинг «Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» ҳамда коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларининг турли мавзулардаги маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

**Суратларда:** Коллежнинг Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири Адолат Исмоилова ўқувчилари билан; ўқувчилар «Конституция — бахтимиз қомуси» очик дарсида.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
ЎзМУ талабаси  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар



## Анонс




Аёл «от»га минганда...

4-БЕТ




Суянчиғим отам

5-БЕТ



Пиводан семириш мумкинми?

12-БЕТ



Кураш кенг қулоч ёзмақда

14-БЕТ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, sanoatнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари деб ҳисоблансин:

энг аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экс-

портга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш;

ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш;

техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш;

мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш.

3. Тасдиқланган чора-тад-

бирлар Дастурида белгилаб қўйилган корхоналарнинг муттасил барқарор ишлашини таъминлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасидаги қўшимча омиллар ҳамда ресурсларни сарфбар этиш чора-тадбирларини сўзсиз бажариш Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси этиб белгилансин.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда тизимли назоратини таъминлаш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳи тузилсин.

Ишчи гуруҳи (Р.С.Азимов): мазкур Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назоратни;

ушбу Фармон билан тасдиқ-

ланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган ҳукумат қарорлари ва дастурлар лойиҳалари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини; жумладан, тармоқлар, минтақалар ва алоҳида корхоналар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижаларининг мунтазам мониторинги ўтказилиши ва ҳар ойда кўриб чиқилишини;

дунёда нарх-наво ўсиши, жаҳон ва минтақа бозорлари конъюктурасининг ўзгариши, иқтисодиёт ривожининг ички тенденциялари таҳлиладан келиб чиқиб, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тезкорлик билан киритилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқланган чора-

тадбирлар Дастурида назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини, шунингдек, экспортни кенгайтиришда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриш, уларнинг асосли буюртманомалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурсларини тезкор, шу жумладан, имтиёзли асосда ажратиб бериш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 28 ноябр

И.КАРИМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармонига ШАРҲ

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида қўллаб мамлакатлар молия-иқтисодий кризисни бошдан кечирётган таҳликали вазият вужудга келди. Жаҳон молия ва товар бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари изланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, аввалги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган конкрет чора-тадбирларнинг кенг комплекси иқтисодиётимизни жаҳон молия кризис хатаридан муайян даражада ҳимоя этишга хизмат қилади. Иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг аввалги бир томонлама хомашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилган.

Айни вақтда, энг аввало, жаҳон товар бозорлари конъюктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби бир қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, sanoatнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нисбатан камроқ зарар билан чиқадилар.

Шу боисдан Фармонда базавий тармоқларни модернизациялаш борасидаги энг муҳим 11 та дастурни амалга оширишни жадаллаштириш, sanoat корхоналарининг эскириб қолган ускуналари ва асосий фондларини жадал янгилаш, техник қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича ускуналар харид қилиш буюртмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, sanoatда ва транспорт инфратузилмасида энг муҳим лойиҳаларни жорий этишни бошлаш ва уларни бажариш муддатларини камайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш реал маблағ манбалари билан мустаҳкамланган – корхоналарнинг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, шу жумладан, уларнинг капиталини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобидан бериладиган кредитлар, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари шулар жумласидандир.

Республика корхоналари томонидан экспорт қилинадиган бир қатор маҳсулот турлари бўйича жаҳон товар бозорларидаги жорий конъюктуранинг кескин ёмонлашуви – бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

Қайд этилган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, Фармонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуриза-

ция қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, хусусан sanoatнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш экспорт қилувчи корхоналар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Дастурда электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймастик, корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар назарда тутилган.

Чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилганидек, электр энергетикани, ишлаб чиқариш тизимини, электр энергияни узатиш ва истеъмол қилишни кенг миқёсда модернизациялаш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини татбиқ этиш ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, чора-тадбирлар Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун кичик ва хусусий бизнесга тижорат банкларининг, шу жумладан, Имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, шунингдек, бир қатор қўшимча солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Уй-жой қурилиши ва, айниқса, яқна тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омилдир. Фармонда мазкур йўналишда иқтисослашадиган ташкилотларни тузишни рағбатлантириш, уларга зарур замонавий ишлаб чиқариш-таъмирлаш базасини таркиб топтириш ва шакллантиришда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича Фармон билан тасдиқланган Дастурда белгилаб қўйилган қўшимча чора-тадбирлар ички манбалар ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи ишончли захираларни яратиш имконини беради, бу эса жаҳон бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиб бораётган шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Корхоналарни модернизация қилишда, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банкларининг муҳим ролини инобатга олган ҳолда, Фармонда банкларнинг реал сектор корхоналарини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашдаги жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда жаҳон молия-иқтисодий кризис шароитларида ҳам реал сектор корхоналарининг барқарор ишлашини, иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу асосда мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуглаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ва-танга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:**

1. 2008 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 8 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаати инobatга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижти-

мой ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 1 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИНавоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий  
зона ташкил этиш тўғрисида

**Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг sanoat салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда – ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белги-лансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида ҳуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакиллари-дан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилсин;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижарага топшириш,

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўйиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми куйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдоридан белгиланади;

30 миллион евродан ортқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдоридан белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдоридан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ ҳудудида олиб килинган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда,

божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга куйидагилар рухсат этилсин:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

6. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳолини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсин, акциз солиғига тортилидиган товарларнинг солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси «Ер-геодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат архитектура-курулиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустриал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирсин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 мартгача бўлган муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги Низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбир-

лари тўғрисида қарор қабул қилсин;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсин;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқла-нишини таъминласин.

9. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.


11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 2 декабр



Архив

**Зерикмаслик учун**

1903 йилда Лондон Қироллик жамияти Пьер Кюри радиий ҳақида маъруза қилишга таклиф этди. У радиийни бундан бир неча йил бурун хотини Мария Склодовская-Кюри билан биргаликда кашф этган эди. Англияга

келган эр-хотинни ғоят зўр илтифот билан кутиб олишди. «Профессор ва Кюри хоним» фақат илмий доирадагина эмас, балки аслзодалар доирасида ҳам диққат марказида бўлишди. Улар шарафига уюштирилган ажайиб зиёфатда пойтахтнинг барча таниқли зодагонлари тўпланди. Камтарона кийинган ва бундай дабдабага ўрганмаган олимлар ўзларини ноқулай ҳис қилишарди. Ҳатто никоҳ узуги ҳам бўлмаган Мария оқсуяк хонимларни безаб турган қимматбаҳо зийнатларга чинакам қизиқиш билан қарарди. Кутилмаганда у эри Пьер ҳам... бу ҳашамдор олмос, марварид ва олтинларга қизиқсиниб қараётганини пайқаб қолди. Авваллари эрини бу хилдаги жарангдор

нарсалар сира безовта қилмас эди. Хўш, нима содир бўлди ўзи?

Ҳаммаси зиёфатдан сўнг олимлар ёлғиз қолгач, маълум бўлди. «Нима билан машғул бўлишни билмай, — дея сўзлаб берди Пьер, — мен ўзимга эрмак топдим; бу ерга ташриф буюрган хонимлардан ҳар бирининг бўйнидаги тошлар ҳисобига қанча лаборатория қуриш мумкинлигини ҳисоблаб ўтирдим. Зиёфат охирида мен астрономик сонга тенглашадиган лаборатория тиклаб қўйдим!».

**Бу актни**

**ўзгартириш керак**

1921 йил май кунларининг бирида Вашингтонда одатдан ташқари тантана бўлиб ўтди. АҚШ номидан мамлакат президенти Гардинг радиий ихтирочисини Мария Склодовская-Кюрига ушбу қимматбаҳо металлнинг бир граммини тортиқ қилди.

Кечкурун, тантанали маросим арафасида Амери-

када ўз ташаббуси билан «радий фонди» ташкил қилган Мелони хоним ҳадянома матнини Кюри хонимга кўрсатиб, у билан келишиб олмоқчи бўлди. Мария матнни диққат билан ўқиб чиқди ва бирдан қатъиян шундай деди:

— Бу ҳужжатни ўзгартириш керак. Америка менга ҳадя қилаётган радиий абадул-абад фанга муносиб бўлиши лозим. Мен ҳаёт эканман, ундан фақат илмий ишлар йўлида фойдаланаман. Агар акт шу ҳолича қоладиган бўлса, менга совға қиладиган бу радиий менинг вафотимдан кейин хусусий шахсларнинг, яъни қизларимнинг меросига айланади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Мен уни лабораториямга совға қилишни истадим. Адвокат қақриш мумкинми?

— Мумкин... албатта! — дея жавоб қилди Мелони хоним бироз довдираганча. — Ҳамонки сиз шуни

истар экансиз, биз бу расмийликлар билан келгуси ҳафтада шуғулланамиз.

— Йўқ, келгуси ҳафта ҳам эмас, эртага ҳам эмас, бугун кечкурун шуғулланиш керак. Ҳадя ҳужжати дарҳол кучга кирди, мен эса бир неча соатдан кейин ўлиб қолишим мумкин.

Вақт кеч бўлиб қолган эди, катта қийинчилик билан юрист топиб келинди. У ҳадянома матнини ўзгартирди, шундан сўнггина Мария Склодовская-Кюри унга қўл қўйиб берди.

А.ДАМИНОВ таржимаси



**... КИЗИК!**

Статистик маълумотларга кўра, аёл машинани эркакларга нисбатан беш баробар хавфсизроқ бошқаради. Чунки улар интизомни биринчи ўринга қўйиб, қондани имкон қадар бузишмайди. Уларнинг бу борадаги ўзига хос жиҳатлари кўчанин «ёзилмаган» қондаларига тез мослашишида, тажовузкор ва «учар» ҳайдовчиларга зийраклик билан йўл беришида, кимўзарга бахшлашмаслигида намоён бўлади. Бундай пайтда аёллар эркаклар унчалик аҳамият бермайдиган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратади. Бу эса пировардида кўп вазиятларда ноҳушликнинг олдини олади. Аёлларнинг сезгилари жуда ривожланган бўлиб, яқинлашаётган хатарни дарҳол пайқашади ва бунга тайёр турадилар. Ҳеч қачон рулга маст ҳолда ўтиришмайди. Таваккал ҳам қилишмайди.

**АЁЛ**

**«От»га минганда...**

Бироқ хориждаги нуфузли автожурнал мутасаддилари ўтказган сўров натижаларидан маълум бўлишича, эркаклар назокат ва малоҳат соҳибларининг автоулов бошқаришини унчалик ҳам ижобий баҳолашмайди. Уларнинг фикрича, рулдаги аёл кўп муаммоли ҳолатларни юзага келтириб, автоҳалокатларга сабаб бўлар эмиш. Масалан, унинг кўп гапиришни хуш кўриши йўлдан чалғишига сабаб бўларкан. Боз устига қулай кийим ва пойабзал ҳақида ҳам жиддий бош қотиришмайди. Мудом моданинг ортидан қувиб, тор юбка, баланд пошнали туфли киядилар, энгларининг но-боплиги, тақинчоқларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ҳам рулда уларга халақит беради.

Шунингдек, фавқулудда ҳолатларда ўзларини йўқотиб, рул бошқарувини «унутиб» қўядилар (бу стрессга жавобан ҳаракат «фалаж»лиги деб аталади). Аёллардаги мантиқ кучи эркакларникидан буткул фарқланади. Шу боис кўп ҳол-

ларда воқеалар ривожини тўғри баҳолашга ожизлик қиладилар. Яна бир ачинарли жиҳати шуки, мураккаб жараёнларда фақат пешойнага диққат қилиб, ён ойнани эсдан чиқариб қўйишади. Жисмонан заиф бўлганликлари боис устомонлик билан тез бажариш лозим бўлган техник операцияларни қисқа фурсатда амалга ошира олмайдилар. Боз устига, автомобилнинг ишлаш хусусиятлари, унинг ички қурилма ва тизими ўртасидаги алоқадорликни яхши тушунмаганликлари туфайли баъзида уларни «имкон доирасидан ташқаридаги» ишларни қилишга ҳам мажбурлашади. Мабодо автомобилни маълум вақт бошқармай қўйишса, қийинчилик билан ортирилган кўникмаларни унутиб ҳам қўядилар.

Хуллас, аёл автоуловда ўтирганида эҳтиёткор ва сергак бўлгани маъқул, шекилли...

**Абдуллоҳ СОБИРКУЛОВ**  
Шўрчи тумани

**Кашандалик Кони зарар**

Чекишнинг инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатишини кўпчилик яхши билади. Айнан тамаки аталмиш оғуға қаттиқ боғланганлик натижасида дунё микёсида ҳар йили 5 миллион киши ҳаётдан бевакт кўз юмиши, йилига фақат сигарет тутунининг ўзи 100 минг кишининг қазосига сабаб бўлиши, «ўпка раки» аталмиш бедаво дардга аксарият ҳолларда қашандалар дучор бўлиши каби далиллар мавжуд. Бугунга келиб чекувчилар ўртасида аёлларнинг сони ортиб бораётгани эса ниҳоятда ачинарлидир.

Мутахассисларнинг аниқлашича, тамакига ружу қўйишнинг инсон пуштига ҳам салбий таъсири бор экан. Сигарет чекувчилар оиласида ўғил фарзандга нисбатан қизларнинг туғилиши кўпаяркан. Бундай хулоса профессор Б.Бребин бошчилигидаги Ливерпул тропик тиббиёт институти ходимлари ўтказган тадқиқотлардан сўнг юзага чиқди. «The Independent» журналида бу ҳолатга қўйидагича изоҳ берилади: «Чекиш туфайли она қорнидаги эмбрионларнинг ўлими кўрсаткичлари катта бўлади. Кашандалик нафақат ўғил туғилиш эҳтимолини камайтиради, балки эркак эмбрионларнинг ривожланишига ҳам тўсқинлик қилади, ҳатто нобуд бўлишига олиб келади».

Ривожланган Европа мамлакатларида туғилишда ўғил болалар нисбати 52 фоизни ташкил этади. Бироқ хомиладорлик даврида ҳам чекишдан тийилмаганларда бу кўрсаткич чекмайдиган аёлларда нисбатан уч баробар кам экан. Онанинг ёши, соғлиги, зарарли одатлари, устига устак отанинг ҳам чекишга муккасидан кетгани ўғил фарзанд туғилиши эҳтимолини 50 фоиз камайтиради. Шунингдек, турмуш ўртоғининг кашандалиги натижасида чекмайдиган аёллар ҳам ўғил фарзанд дийдорига илҳақ ўтишлари мумкин экан. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадқиқот натижалари Европада, шунингдек, мутахассислар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Айримлар бу маълумотларнинг уйдирма экани ҳақида бонг урди. Аммо факт ва рақамлар

бунга қарши тургандан кейин... — Тадқиқотдан мақсад, туғилажак насл давомчиси жинсининг чекишга боғлиқлигини аниқлаш эди. Изланишларимиз тамакида мавжуд моддалар (масалан, никотин) бачадонга Y-хромосомали (бу хромосома ўғил бола туғилишини таъминлайди) уруғларнинг етиб боришига тўсқинлик қилади, деган хулосани берди. Онанинг ёши ва эрхотинларнинг ҳар иккиси чекишга мойиллиги билан боғлиқ статистик маълумотларни таҳлил қилиш асносида маълум бўлдики, ота-онаниннг кашандалиги оилада қиз туғилиши эҳтимолини оширади. Ҳозирча бу нарсанинг сабабларини жиддий ўрганаёلمиз. Маслаҳатимиз: ўғил кўриш истагида бўлганлар ҳеч қачон тамакига яқин йўламасин, — дейди илмий кузатувларга раҳбарлик қилган мутахассис, профессор Бернард Бребин.


Умид қиламизки, наслининг асил ҳолатда давом этишини истаган ҳар бир инсон ушбу маълумотларни ўқигач, кашандаликдан воз кечади.

**Мансур НИЁЗОВ**



«Мен ~ ёшликман» шайловига

Пойтахтим



Ўзбегимнинг олтин кошонасисан,  
Дунё халқларининг афсонасисан,  
Илм эшигининг остонасисан,  
Она шахрим менинг, гўзал пойтахтим.

«Шарқ — гавҳари» ярашади номингга,  
Ўғлонларинг жонин тикар жонингга,  
Шоирларинг ғазал битар шаънингга,  
Она шахрим менинг, гўзал пойтахтим.

Юртимнинг юраги — тумори ўзинг,  
Не-не миллатларнинг хумори ўзинг,  
Қай юртда бўлмайин дил торим ўзинг,  
Она шахрим менинг, гўзал пойтахтим.

Сенинг билан биз ҳам олдга юргаймиз,  
Меҳрингни ҳис этиб, кучга тўлғаймиз,  
Довруғинг дунёга дoston қилғаймиз,  
Она шахрим менинг, гўзал пойтахтим.

Она шахрим менинг, гўзал Тошкентим!

Наргиза ЎРОЛОВА,  
Мирзо Улуғбек туманидаги  
248-мактаб ўқувчиси

Бухоро шони

Тонг ота бошлайди, пештоқлар узра,  
Тўшалар осмонда оппоқ пар тўшак.  
Гўёки бир аср кўрмаган мисол,  
Кувёшни кучади қадимий бу Арк.  
Келади қандайдир ипақдай майин  
Бир оҳанг ҳофизлар нидоси бўлиб.  
Айланиб боради йўллар денгизга,  
Қалблар эса умр зиёси бўлиб.  
Булбуллар сайрайди шунчалар нафис,  
Тўтилар яйрайди қувонч-ла шодон.  
Бу лаҳзалар биз-чун нақадар азиз!  
Бухорода ҳар кун шундай отар тонг...

Умида СОДИҚОВА,  
Низомий номидаги ТДПУ  
Ўзбек тили ва адабиёти  
факултети 3-курс талабаси

Энди



Энди соғинчлардан воз кечмоқ керак,  
Ўрганмоқ керакдир усиз яшашни.  
Майли, тўхтаса ҳам шу битта юрак  
Керакдир ҳис қилмоқ ҳиссиз яшашни.  
Энди ҳаяжонга бегона кўнгил,  
Ҳовлиқиб олдига чопмагин, тўхта!  
Бугун тамом тугар соғинчнинг сўнги,  
Ахир ёнгинада ўша бахт йўқ-да!..  
Энди ахтаришдан маъни йўқ уни,  
Энди сўзни исроф қилиш ярамас.  
Энди ловуллаيمان яшаб ҳар куни,  
Чунки сўзларимнинг умри қаримас...

Роҳила РАЖАБОВА,  
Низомий номидаги ТДПУ  
Ўзбек тили ва адабиёти  
факултети 3-курс талабаси



«Ёшлар китоби»

Кеча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида Ёшлар йили муносабати билан «Шарқ» НМАК бош тахририяти томонидан чоп этилган «Ёшлар китоби»нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Йиғинни уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очиб берди. Дастлаб китобда ижод намуналари берилган Баҳодир Қобул, Гўзал Бегим ва Антонина Иплина ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Сўнгра Сиро-

жиддин Саййид, Азим Суюн, Муҳаммад Али каби таниқли ижодкорлар йиғилганларни китоб билан

Тақдимот

табриклаб, ёшлар ижоди ҳақида мулоҳаза юритишди.

Тўпламнинг масъул муҳаррирларидан бири Ахрор Аҳмедовнинг таъкидлашича, «Шарқ» раҳбарияти бун-

дай китобларни кейинги йил ҳам нашр қилиш ниятида экан.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш керакки, китобга киритилган 76 нафар ижодкор орасида газетамиз ходимлари — Ҳасан Нишоннов (назм), Умид Яъқубов (адабий тадқиқот) ва Абдулатиф Абдуллаев (таржима) ҳам ўрин олган.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга «Ёшлар китоби» тўхфа этилди.

Ўз мухбиримиз

Р уҳимнинг мадори, қиблагохим отам.  
Белимнинг қуввати, пуштипаноҳим отам. Бугун тонгда тоза ҳаводан тўйиб симирар эканман, негадир Сиз ҳақингизда ёзгим келди. Қаламим беихтиёр оқ қоғоз узра йўрғалай бошлади.

Эс-эс биламан: бир олам ўйинчоқларим бўлгучи эди. Онамнинг айтишича, менга ҳар куни ниманидир илиниб келаркансиз. Балки тўнғич фарзанд бўлганим учунми, мени эркалаб суйишларингиз, ардоқлашларингиз тафтини ҳануз ҳис этаман. Гарчи мендан сўнг яна 4 нафар укам дунёга келган бўлса-да, менга меҳрингиз ҳамон бўлакча.

«Урмимнинг боғбони» деб, «суянчигим», «ота ўғлим» деб сўярдингиз. Яхши гаплар, мақтовлардан маржон тузиб алқардингиз бизни ҳаммиша. Меҳрибоним, дуоғўйим, беминнатим — отам, отажоним. Ҳаёт аччиқ-чучуқларини кўравериш, шундай хулосага келдим-ки, бу дунёда энг буюгим, энг керагим, энг ганиматим ва омонатим Сиз (шунингдек, Онам) экансиз.

Бола эканман, билмабман, кўнглингизни оғритибман, дилингизни ранжитибман. Биз учун фақат дуода бўлган қадрдоним! Бизнинг ғамимизда эрта оқарган сочлар, нури хира тортган кўзлар, ажин босган юзлар, куч-мадордан кетган қадоқ қўллар эгаси. Бу сизсиз, отажон! Бугун Сизга айттарларим бор...

Суянчигим отам

Улғайдик. Худди сор бургутдек бақувват қанотларингиз остида ҳимоя қилиб, пўпалаб ўстирдингиз мени ва укаларимни. Ҳатто мактабдан уришиб, болалар билан калтаклашиб келганимда, йигит кишининг ғурурини нечоғли баланд тутмоқлик лозимлигидан сабоқ берадингиз бизларга. Бу дунёнинг чиркин ҳавасларига учмаслик, бир умрлик дўсти содиқ ва суҳбатижон ҳамроҳлар, ўртоқлар топиш сирларини, самимиятни, оқ-қорани танитдингиз бизларга.



Отажон, эсингиздами, 9-синфни битириб, академик лицейга ҳужжат топшириш учун Тошкентга келганимиз. «Ўғлим сен тўнғичимсан, яхши ўқиб, яхши бир касбнинг бошини тутушинг керак. Ўқиган одам шу пайтгача кам бўлмаган. Масъулиятсизликнинг чизигидан ҳам ўтма! Елкангда йигитлик ори, оиламиз шаъни турибди. Сен қандай натижа кўрсатсанг, укаларинг ҳам сенинг изингдан боради. Шунинг учун!» дея кўп уқтиргандингиз ўшанда. Гап-сўзларингиз юқини қай даражада ҳис этдим, билмайман, дилда ҳаяжон билан имтиҳон топширганим, аммо, афсуски, бир неча балл етмай ундан ўтолмадим. Гарчи кейин юқори балл тўплаган бир неча абитуриентлар қатори мен ҳам бошқа, янги очилган академик лицейга имтиҳонсиз қабул қилинган ва олдимдаги маррага бир қадар эришган эсам-да, кўксимдаги оғриқ, елкамдаги ўша юкни 3 йиллик таҳсил давомида кўтариб юрдим.

Агар мендан ҳаётингда энг қувончли кун қайси бўлган, деб сўрасалар: «Академик лицейнинг 3-курсда Республика олимпиадасида фахрли 2-уринни эгаллаб, мундатдан олдин талабалик имтиёзини қўлга киритганим ва яқинларим, устозларим олдида юзим ёруғ бўлган кундир», деб жавоб қилган бўлардим.

Отажон, ўшанда бу ҳақдаги хабарни етказган кишига кўзингизда ёш билан тўн ёпиб сийлаган, элни чорлаб дастурхон ёзган экансиз. Бу ҳақда кейинчалик онаизоримдан эшитиб, менинг-да кўзимга ёш келди. Миҳжангизда айланган қувонч ёшлари елкамдаги ўша юкни, кўксимдаги қора тамгани ювгандай бўлди. Ҳа, отажон, берган тузингизнинг гарчи мисқолчасини оқлашимдан шунчалик таъсирланган эдингиз. Шунда англадимки, фарзандлар бахти, уларнинг камолини кўриш — ота-онанинг орзуси бўларкан.

Тунов куни уйимга меҳмонга келдингиз. Сизга шаҳарни томоша қилдиргани олиб кетган укам бир гап тоғиб келди: «Отам кўча-кўйда суҳбатижон эркак-аёл — кимни кўрса, жўшиб гапирди: «қатта ўғлим журналист, кейингиси тадбиркор, ўртачаси ҳарбий лицейни битираяпти. Фарзандлар улғайишса, ташвиши чандон кўпроқ экан-у, лекин мана бундай роҳати ҳам шунга яраша бўлар экан!»

Бу ҳақда эшитиб, аввалига пича хижолат тортгандек бўлсам ҳам, сўнг англадим. Отажон, фарзандлар камоли остонасидаги ширин энтиқишдан нурланган кўзлар экан — бу! Меҳнатининг мевасини кўраётган боғбон қадар қалбдан ийиб чиқаётган сўзлар экан — бу! Ўғиллари қўлтигидан суяшини, белига дармон бўлишини ҳис этиб, яқинлашган кексалик олдида кўркмай кўкрак кераётган отанинг юрак сўзлари экан — бу! Шу боис уни барча билан баҳам кўргиси келади. Шу боис биз билган, ўрганган меъёрларга эътибор ҳам бермайди. Тўлиб-тўлиб сўзлайди, ёниб-ёниб гапирди.

Англадимки, борлигингиз — бахтимиз экан. Уқдимки, борлигимиз — бахтингиз экан. Доимо бор бўлинг, отажон!

Жамшид НИЁЗОВ

«Ishonch»га жавоб берадилар

**Фуқаролик олиш тартиби тушунтирилди**

**Кашқадарё вилояти Қарши шаҳар 2-микрорайон 36-уйда яшовчи Хужамкулова Насиба Турсунбаевна-нинг Ўзбекистон фуқаролик паспортини олишда амалий ёрдам беришни сўраб «Ishonch» газетаси тахририятига ёзган аризаси ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан ўрганиб чиқилди.**

Н.Хужамкулова 1991 йили Тожикистонда туғилганлиги, 2004 йили Ўзбекистон ҳудудида доимий рўйхатга ўтган ва онаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлганлиги сабабли Ўзбекистоннинг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунининг 4, 14 ва 15-моддаларига асосан Ўзбекистон фуқаролигига мансуб эмас деб топилган.

Н.Хужамкулованинг Ўзбекистон фуқаролигини олиш тўғрисидаги мурожаати ушбу қонуннинг 17-моддаси 2-банди талабларига асосан, Ўзбекистон ҳудудида сўнгги беш йил давомида доимий яшаш лозимлигини инobatта олган ҳолда, 2009 йилнинг 29 июн кунидан сўнг кўриб чиқиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Н.Хужамкуловага фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини олиш учун ўзи яшаб турган жойдаги ички ишлар идорасининг паспорт бўлинмасига мурожаат этиши тавсия қилинди.

**Б.ШОРИХСИЕВ,**

**Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиги, полковник**

**Ижтимоий**


**ҳимояга олинади**

**Денов тумани С.Қобилов СФУ «Элобод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қўлдош Зиқировнинг тахририятга йўллаган аризаси туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Анбарсой» ҚФЙ ҳамда «Элобод» маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳамкорлигида ўрганиб чиқилди.**

Қ.Зиқиров ҳақиқатан ҳам туғма 2-гурух ногирони бўлиб, МФЙ раиси вазифасини бажарувчи Э.Аноровнинг маълумоти-га қараганда, оилали, 4 нафар фарзанди билан Ойбек номидаги 12-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшайди. Аммо «Элобод» МФЙда ҳисобда туриши, кам таъминланган оила ва шароити оғирлиги сабабли моддий ёрдам сўраб ариза ёзган. Аниқланишича, Қ.Зиқировга «Элобод» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам кўрсатилмаган, аммо оиласига бошқалар қатори ойма-ой ун, ёғ маҳсулотлари берилган.

Шикоят муаллифининг оилавий шароити ўрганилган ҳолда, 2009 йил январ ойидан фарзандларига 16 ёшгача нафақа тайинланиши ҳамда моддий ёрдам берилиши тушунтирилди.

**А.ҲОЖИКУЛОВ,**  
**Денов тумани ҳокими**



Тахририятга хат

**Автобус қатнови яхшиланадими?**

«Ishonch» газетасининг 2008 йил 19 июн сонида чоп этилган «Ўғрилиқ» сарлавҳали мақолада пойтахтимиздаги жамоат транспортлари қатнови танқид қилиниб, жумладан «Аэропорт - Хувайдо» йўналишининг 11-автобуси тилга олинганди. Аммо ҳануз бирон ижобий ўзгариш сезилмапти.

Мисол учун, 6, 7, 8 ноябр кунлари соатлаб автобус кутдик. Автосаройга телефон қилсам, ўзини Орзиқулова дея таништирган диспетчер русчалаб «пахтага кетган», деди. Мен-ку манзилимга бора олмадим. Аммо қанча одам ишига кечикди. Бошқа кун ҳам Аэропортдаги бекатда ярим соатча ўтирдим. Ҳайдовчилар чойхўрлик билан машғул. Фақат ўзларининг вақти билан ҳисоблашади. Гапирсангиз жеркишади.

Мен биринчи гуруҳ ногирони, уруш қатнашчисиман. Соғлигим яхши эмас. Кўзим ўтмаслашган. Катта йўлгача пиёда чиқа олмаيمان. Бирор жойга боришга тўғри келса, автобус қатновини ўйлаб кўнгилга хижиллик тушади. Набирам ҳам кечқурун ишдан таксида келади. Чунки кечки пайт автобус кам юради. Лекин ҳар кун таксида қатнашни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармайди-ку! Бу борада бош қотирадиган мутасадди бормикин?!

**Тўхта ота ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор**

**Қачон тартиб бўлади?**

— Кунда, кун ора шу аҳвол. Бир соатдан ошди бекатда турганимга, — асабийлаша бошлади ўрта ёшлардаги киши. — Анави бечора ўғил-қиз талабаларга бир қаранг. Дарсга кечиккани учун яна гап эшитадиган бўлишди...

Вақтни олтинга тенглаштирамиз. Бу бежиз эмас. Уйдан одатда ҳар бир автобус учун белгиланган жадвални мўлжаллаб чиқамиз. Қани энди у ўз вақтида кела қолса!

Бу гапларнинг ҳаммаси 8-автокорхонанинг «ТошГРЭС—ЧорСУ» йўналиши бўйича юрадиган 115-маршрутли автобусларга тағишли. Тўғри, баъзида жадвал бўйича юриб, хурсанд қилган пайтлари ҳам бўлиб туради. Афсуски, бу узокқа бормади. Яна эски ҳаммом, эски тос.

115-автобуснинг «ТошГРЭС» шох бекатидан бошлаб то Аграр университетига қадар аҳоли зич жойлашган. Мана шу автобусга илиниш учун ишчи ва ўқувчи-талабаларнинг тўртдан уч қисми «Ўнкўрғон» фуқаролар йиғи-

ни ва «Яланғоч» қишлоғидан чамаси 1,5-2 километр пиёда босиб келишади.

Ол-а, лоф ҳам эви билан-да, деяётган бўлсангиз керак ҳойнаҳой. Ишонмасангиз, биз томонларга бир келиб-кетинг. Ҳаммасига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

30-40 дақиқа, ҳаттоки 1 соатдан кейин бир-бирига илсиз ип билан боғлаб

**Ажаб ҳангомалар**

кўйилгандек икки, баъзан учта автобус кетма-кет келиб қолади, денг. Ана унда кўринг, томошани. Йўловчиларнинг ҳаётини таҳлика остига кўйиб, кечга қолган жадвал соатини тўлдириш ниятида ҳайдовчилар худди ёш болалардай бир-бири билан қувлашмачок ўйнаб кетишади. Автобус ичида кексалар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар, ҳатто ўрак касали бор одамлар бўлиши мумкин, ахир. Кошки, жазавага тушган ҳайдовчилар йўловчилар билан

ҳисоблашиб ўтиришса!

Тасаввур қилинг, бекатда автобусни кутиб 1 соат қолиб кетдингиз. Турган гапки, ишга кечикканингиз учун раҳбариятдан дакки эшита-сиз. Ҳар гал кеч қолганда «автобус ўз вақтида келмади» ёки «автобус тирбандлигидан қолиб кетдим» деган баҳоналарингизга шубҳа билан қарай бошлашади. Асабийлашасиз. Бунинг таъсирида ҳамкасабаларингиз билан сан-манга бориб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Ҳаммадан ҳам ўқувчи-талабаларга қийин. Катталарнинг баъзи бирлари (чўнтаги кўтарганлари) иложсизликдан такси ушлаб кетишади. Ўқувчи-талабалар-чи, улар нима қилишсин? Чўнтагида ойлик чиптаси билан қаёққа боришсин?

Бундай ҳзлатлар қайтарилма-верган, автокорхона раҳбариятига бир неча бор арз қилинди. Эътирозлар билдирилди. Минг афсуслар бўлсинки, фойдаси бўлмапти.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,**  
**«Ishonch» мухбири**

**Конституциянинг 16 йиллиги олдида**

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституция асосида ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Утган йиллар мобайнида юртимизда бу борада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, фуқароларнинг эртанги кунга, буюк келажакка ишончи мустаҳкамланди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир».



**Ҳаётини қомус**

Конституция амалда бўлган қарийб ўн олти йил таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асосий қонунимизнинг жаҳон андозаларига мос келиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини ўзида мужассам этганлиги кенг жамоатчилик ва хорижий экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Турган гапки, ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб ту-

рамиз. Шунинг учун ҳар бир ватанпарвар юртдошимиз Конституциямизни, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши, ҳаётини шу асосда йўлга қўйиши лозим. Юртбошимиз Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик сифатида ўқитиш зарурлигига бежиз урғу бермаган. Зеро конституциявий қоидаларни чуқур ўзлаштирган, унга ҳурмат руҳида улғайган авлодгина келажак буюк давлат барпо этишга қодирдир.

Конституциямизнинг

ҳаётимиз ривожига, ватанимиз ва халқимиз тақдиринида йил сайин аҳамияти ортиб бормоқда. Унинг жамият ҳаётига татбиқ этилиши нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахслар, балки ҳар бир фуқаро зиммасидаги бурчдир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизни ўрганиш ва тарғиб этиш ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган, ҳамиша долзарб бўлган вазифадир.

**Карима НУРМАТОВА,**  
**Камола АбДУВАҲОБОВА,**  
**Тошкент юридик коллежи ўқитувчилари**

**Табият ва инсон**

**Тоза ҳаво булғанмасин**

Ҳазонрезгининг ҳам гашти бор. Гиламдек тўшалган барглар устида сайр қилиш ёқимли. Таассуфки, баъзида ана шу гўзалликка ўт кетиб, ёқимли ҳаво ўрнини аччиқ ва қўланса ҳид эгаллаб, кўзни ачитади. Кўпчилик бунга лоқайдлик билан қарайди.



...Уйга кетаётган мактаб ўқувчилари гаражлар орасида тўпланиб қолган ҳазонни ёқиб юборишди. Қовжираган барглар тез ёниб, олов гараж ичига ўрмалаб кирди. Буни кўрган болалар жуфтакни ростлашди. Натижанда, гараждаги автомашиналар ёниб кетди. Болаларнинг шўхлиги машина эгаларига қимматга тушди. Тўпланиб қолган ҳазон ўз вақтида олиб кетилганда, офатнинг олди олинган бўларди.

Айниқса, ёнаётган ҳазонлар турар-жой бинолари учун ҳам хавфлидир. Жорий йилнинг ўтган даврида Шайхонтохур туманида қуриган шох-шабба ва барглари ёқиб юбориш натижасида бир неча ёнгин содир бўлганлиги кузатилган. Масалан, «Ўзгариш» кўчасидаги М.Жўраевага қарашли 40-ўйда ҳазон ёқиб оқибатида ёнгин келиб чиқиб, кўшни хонадон дарвозахонасининг томи ва у ёнганга авто-мобил ёниб кетган.

Бундан ташқари, поликлиникаларда шифокорлар билан суҳбатлашганимизда, ҳазонларни ёқиб юбориш натижасида касалликларнинг кўпайиши, айниқса, астма касали бор инсонлар нафас олишга қийналишини айтадилар.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясига, уларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга ҳеч вақт эринмаслик даркор. Озгина эътиборсизлик туфайли бутун умр афсусланиб юргандан кўра ҳозирдан эҳтиёткорлик қилганимиз маъқул.

**Д.РОҲАТАЛИЕВ,**  
**Шайхонтохур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, капитан**

TV-SPORT

12.10 Баскетбол. НБА. «Филадельфия» - «Юта»... 13.35 Футбол. Чемпионат мира. Женщины. Кубок мира.

14.05 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

14.05 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

14.05 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

14.05 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

Ishonch

17.00.00.00 Детектив «CSI: Место преступления Лас-Вегас»... 18.00.01.00 Детектив «Закон и порядок».

18.00.00.00 Детектив «CSI: Место преступления Лас-Вегас»... 19.00.00.00 Детектив «Закон и порядок».

19.00.00.00 Детектив «CSI: Место преступления Лас-Вегас»... 20.00.00.00 Детектив «Закон и порядок».

20.00.00.00 Детектив «CSI: Место преступления Лас-Вегас»... 21.00.00.00 Детектив «Закон и порядок».

21.00.00.00 Детектив «CSI: Место преступления Лас-Вегас»... 22.00.00.00 Детектив «Закон и порядок».



Душанба - Душанба

06.40 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

06.40 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

06.40 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

06.40 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

06.40 Футбол. Чемпионат мира. Мужчины. Кубок мира. Женщины. Кубок мира.

UZBEKISTON

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Yashlar.

PERVYI

Table of TV programs for the Perviy channel.

СТС

Table of TV programs for the SТС channel.

ТВ-3

Table of TV programs for the ТВ-3 channel.

РОССИЯ

Table of TV programs for the Rossiya channel.

ДОМАШНИЙ

Table of TV programs for the Domashniy channel.

UZBEKISTON

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Yashlar.

PERVYI

Table of TV programs for the Perviy channel.

СТС

Table of TV programs for the SТС channel.

ТВ-3

Table of TV programs for the ТВ-3 channel.

ДОМАШНИЙ

Table of TV programs for the Domashniy channel.



2008 йил 4-декабр

№ 145 (2558)

UZBEKISTON

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Yashlar.

PERVYI

Table of TV programs for the Perviy channel.

СТС

Table of TV programs for the SТС channel.

ТВ-3

Table of TV programs for the ТВ-3 channel.

ДОМАШНИЙ

Table of TV programs for the Domashniy channel.

OZBEKISTON

05.55 Курсуллар дастури. 06.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 07.00 «Севги хатолари»... 07.05 «Севги хатолари»... 07.10 «Севги хатолари»...

TOSHKENT

7.25 Курсуллар дастури. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Бизнинг «Пойтахт»... 8.35 «Бизнинг «Пойтахт»...

OZBEKISTON

05.55 Курсуллар дастури. 06.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 07.00 «Салом, Тошкент!»... 07.05 «Севги хатолари»...

OZBEKISTON

05.55 Курсуллар дастури. 06.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 07.00 «Салом, Тошкент!»... 07.05 «Севги хатолари»...

TV MARKAZ

07.00 Узбек наволари. 08.00 Дневник M&TV 2008. 09.30 Узбек наволари... 11.00 «Бизнинг «Пойтахт»...

СТС

08.00 Т/с «Зена - королева воинов». 08.55 М/с «Смешарики». 09.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей»...

PERVYY

06.00 Новости. 06.10 Худ. фильм «Хотите ли вы, чтобы я умер?»... 07.25 Худ. фильм «Женщина в белом»...

PERVYY

06.00 Новости. 06.10 Худ. фильм «Хотите ли вы, чтобы я умер?»... 07.25 Худ. фильм «Женщина в белом»...

СТС

08.00 Х/ф «Чита Герлз». 09.55 М/ф «Сокровища замка». 10.20 М/с «Смешарики»...

TOSHKENT

17.50 «Курсуллар дастури». 17.55 Мультипликация: «Тоглик». 18.00 «Салом, Тошкент!»...

PERVYY

05.00, 09.05 Телеканал «Доброе утро». 09.00 Новости. 09.25 Малахов + Модерн»...

СТС

08.00 Т/с «Зена - королева воинов». 08.55 М/с «Смешарики». 09.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

YOSHLAR

6.55 «Уштар» салони. 7.00 «Шарҳи ҳақиқат». 7.30 «Шарҳи ҳақиқат»... 8.00 «Шарҳи ҳақиқат»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили). 8.20 «Борбор ут». 8.20 «Тет-а-тет»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

ROSSIYA

06.15 Студия «Здоровье». 06.50 «Воя Россия». 07.00 «Сельский час»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

DOMASHNIY

06.30 «Утренняя зарядка». 07.00 Домашние сказки. 07.30 «Моя жена меня приворожила»...

ОЗБЕКИСТОН

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Узбекистон!» 07:00 «Дилма» 07:05 ТВ - янсон.

ТОШКЕНТ

07:40 «Кўздор» 07:45 «Давлат кўшиклари» 08:00 «Авборот» 08:30 ТВ - янсон.

ТВ МАРКАЗ

07:00 Узебек наволари 08:00 Сервал «Жасоиа ухша-ши йул»

НТВ

06:00 «Сегизинч утум» 06:50 «Летеря «Гослото» 09:00 «Наше все!»

СТС

16:30 23:30 Детектив «Без-молвий свидетель 2» 17:00 Детектив «СИ: Место преступления»

ТВ-3

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя»

ТВ-3

08:00 М/ф «Молчунче рейнд-жер» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

ТВ-3

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя»

ТВ-3

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя»

ТВ-3

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя»

ТВ-3

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя»

20:50 «Конституция дарсон» 21:00 «Таджик чирокчи» 21:05 «Шахзодадин Кўшикчи» 21:55 «Эълонлар»

05:00, 09:05 Телеканал «Доб-рое утро» 09:25 Малахов + 10:25 Модный приговор 11:25 Контрольная закупка

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

YOSHILAR

6:55 «Ушбур» салони» 7:00 «Шарк майдони» 7:30 «Давринг боласи»

SPORT

7:00 «Болор утум» 8:00 «Кабарлар» (рус тили)

ROSSIYA

05:00 «Доброе утро, Россия!» 08:55 «Мой серебряный шар»

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

DOMASHNII

06:30 «Утренняя зарядка» 07:00 Домашние сказки

18:00 «Тет-а-тет» 18:10 «Супер салтанат» 18:30 «Хабарлар» (рус тили)


08:00 Сервал «Жасоиа ухша-ши йул» 08:30 Узебек наволари 09:00 Дневник МАТВА 2008

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»

08:00 М/ф «Кот по имени Икс» 09:30 М/е «Черепашки-нин-дзя» 10:00 М/е «Молчунче рейнд-жер»



2008 йил 4-декабр

№ 145 (2558)



# Барбод бўлган тажриба



(Боши 141-сонда)

## ТИБЕТ-БЕРЛИН ТЕЛЕКУПРИГИ

Тарих фанлари номзоди, ёзувчи Андрей Васильченко ҳикоя қилади:

— Шаффер экспедициясининг натижаларидан биттаси — Лхас билан Берлин ўртасида доимий радиокўприк ўрнатилди. Мазкур радиокўприк туфайли Далайлама билан Гитлер доимий мулоқотда бўлиб турдилар.

Рудольф Гесс 1972 йил 2 августда Шпандаудан ёзган мактубида Гитлер Тибет ҳоқими Квотухта ташқи қиёфасини қандай таърифлаб берганини эслайди.

— Тибет ҳокимининг қарашлари темирдек совуқ, — деган экан Гитлер, — мийғида ҳаммаша кинояли табассум ўйнаб туради.

Орадан кўп ўтмай, шарқона қиёфанинг эврилишлари — мутаасибона димоғдорликдан тортиб, руҳий улуғворликкача — ҳамма-ҳаммасига шахсан ўзим ҳам гувоҳ бўлдим, деб эслайди Гесс.

Бу сўзларнинг таъмаъносига эътибор бераяписизми?

Фюрер ва унинг муовини радио воситасида Тибет ҳокимининг юзидаги ўзгаришларни қандай кўришлари мумкин?! 1942-1943 йиллар мобайнида Лхас рейх раҳбарияти билан радиокўприк баробарида телекўприк ҳам ўрнатган кўринади.

Аммо 1942 йил ҳам, 1943 йил ҳам, ундан кейинги йиллар ҳам на Геббельс, на Гитлер қароргоҳида ўта янги техникадан ном-нишон топишолмади. Дейлик, Вевельсбург қалъасини обдан титкилаб чиққан амриқоликлар Гиммлернинг «телевизион хонаси»ни топдилар. Унда битта ором курсию оддий телефондан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Шу ўринда соҳибнинг ишини айнан Генрих Гиммлер муносиб давом эттира олганини таъкидлаш жоиз.

«Сарчашмаларга ким осонроқ қайтиши мумкин? Албатта, ўша сарчашмалардан ҳали узоқлашмаганлар...» деб мушоҳада юритади рейсхфюрер ва соҳибга янги шогирдваччалар тайёрлашни тавсия этади.

Гиммлер энди бу ишга ҳали она сути оғзидан кетмаган норастваларни ҳам жалб этмоқчи! Рейх раҳнамосидан шунга изн сўраяпти!

Гесснинг жияни Генрих ёзади: «Соҳиб, сен ҳали ёшсан, ёрдам қилсам тарихий хотирангни тиклаб кўришга уринишнинг мумкин, деди. Ўртоқларимни тўплаб биринчи дарсига олиб келишни тайинлади. Хаёлимдан дарҳол Хельга Геббельс... Яна ким? Ҳа, рейхслайтер Борманнинг ўғли Кронци ўтган бўлса, эҳтимол.

Мана, бугун биринчи дарсда ўтирибмиз...

Соҳиб хурсанд. У мен ва Хельгага ғалати совға бермоқчи».

Ўн икки-ўн тўрт ёшли болалар қўлларига илк бор рақамли аппарат, худди ҳозирги замонавий қўл телефонларидек узоқ масофалар билан алоқа ўрнатадиган портатив камералар олишди. Яқунланаётган тажрибанинг таркибий қисмига айланиб қолишаётганларини хаёлларига ҳам келтирмай, ўйинчоқ соврин соҳиби бўлди улар.

«Маънавият маркази» немисларга келажак телеиндустриясини яратишга ёрдамлашиб, руҳ тарбиясини тезлаштироқчи бўлган. Тибетлик валинеъматлар немислар онгини «қайта дастурлашни» ўз олдиларига мақсад қилиб

қўйганлар. Уларнинг нияти ўзга, телевидениенинг вертуал оламини яратишга кўмаклашиб, немисларнинг бадий образлар, мусиқа, спорт, оилавий қадриятлар ва... олам ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириш эди. Бани башарнинг чигал ишларига аралашмай дунёдаги энг мудҳиш ҳодиса — урушни бар-тараф этмоқчи эди улар!

Тажрибанинг улғурворлиги ҳам мана шунда!

## ДАРВОКЕ...

Камина Миллий университетнинг журналистика факультетида тахсил олганман. 1967 йилдан эътиборан мустақил факультет сифатида фаолият юрита бошлаган мазкур ўқув даргоҳининг илк қалдирғочларидан эканлигимдан фахрланаман. Муҳтарам домламиз Анвар Каримовнинг, укалар, билиб қўйинглар, телевидение ватани Тошкент бўлади, деб айтган гаплари кечагидек қўлогим остида. Биз дунёбеҳабар болалар учун мутлақо янгилик бўлган бу гап айна ҳақиқат, тарихий ҳақиқат эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ортиқча далил-исботларни рўқач қилиб қимматли вақтингизни олмаслик учун иқтибос келтираман. Ҳамкасбимиз, куйинчак тележурналист Комилжон Шамсиддинов яқинда «Хуррият» газетасида эълон қилинган «Ўзимизнинг «ойнаи жаҳон» мақола-сида ёзади: «Тарихий фактларга мурожаат қилинганда телевидениенинг ҳақиқий ватани Тошкент эканлиги маълум бўлади. Гарчи унинг техник асослари,

яъни тасвирни бир манзилдан бошқа бир манзилга узатишга уриши ишлари XIX аср ўрталаридаёқ Британия, Россия ва Европанинг бошқа давлатларида бошланган бўлишига қарамаздан амалий натижага айнан бизнинг юртимизда — пойтахтимизда эришилади.

Тўғрироғи, 1925-28 йиллардаги тажрибалар натижасида Тошкентнинг Шайхонтохур мавзесидаги Болта масжид кўчаси 74-уйда (ҳозирги Навоий кўчасидаги Тошкент телемаркази ёнида) Юсуфхон ака ва Ҳамза опа Мирмуҳамедов уйида тасвирни ҳам узатувчи ҳам қабул қилувчи томонлар тўла электрон тизимига асосланган ҳозирги замон телевидениеси яратилиб, жаҳонда биринчи бўлиб ҳаракатдаги ҳақиқий телевизион тасвир қабул қилинади. Ушбу ихтиро асосчилари эса — ўша болохонали уйнинг бир қисмида ижарада яшовчи Борис Грабовсий ва Иван Белянскийлар бўлишган.

Асл ҳақиқатни тан олиш ҳеч бир замонда осон кечмагани каби бу тарихий ҳақиқат, яъни телевидение ватани — Тошкент эканлигининг «дўстларимиз» томонидан тан олинмиши жуда оғриқли кечган», деб ёзади Комилжон. Мақолада айтилишича, ҳатто икки олим томонидан Тошкентда синовдан ўтказилган қурилмалар қисман йўқ қилинган экан.

Ихтирочилик даъвосини бир четга суриб, асл мақсадга кўчайлик. Бизни бошқа нарса кизиқтиради. Қарийб

ярим Европани тиз чўқтирган, мислсиз даражада ҳарбий, иқтисодий салоҳиятга эга бўлган нацистлар Германияси нега илғор телевидение технологияларини яратиш борасидаги ишларини ниҳоясига етказа олмади? Балки ҳамма фожаиятнинг ноҳилис лигидадир? Мавлоно Румий айтадилар-ку, «ҳар кишининг топгани ниятига мосдир мудом» деб.

Чамаси, немис телевидениеси тарихини яратмоқчи бўлган москвалик ҳамкасбларимиз ҳам бу фикрга қўшилиб, Рудольф Гесснинг жияни Генрих хотираларидан парча келтиришади:

«Соҳиб билан унинг гаройиб мамлакати урф-одатлари, таомиллари ҳақида узоқ суҳбатлашдик. «Сизнинг дунёингиз одамлари ер талашиб ўтишга маҳкум. Роҳат-фароғатга мослашмаган, менинг дунём одамлари бировнинг мулкига кўз олайтирмайди, — деди у, — чунки биз кураш қуролини эмас, тафаккур қуролини такомиллаштириб, билимларимиз доирасини кенгайтираемиз. Ҳақиқат излаб биз томонларга чиқиб келишингизнинг асл сабаби шунда!

Тибет, мен сизга айтсам, Олий Идрок — ўзимизда мавжуд бўлган Олий Идрокдан муждалар олиб турувчи телеминорадир».

Нацистларнинг ёвуз ниятларига мос келмайдиган тажриба алалоқибат тўхтатилди. Тажриба барбод бўлди!..

**Хориж матбуоти хабарлари асосида Р.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади**

# Пиводан семириш мумкинми?

Кадимда пиво деган ичимлик бўлмаган. Унинг ўрнига бутун дунё мамлакатларида вино, яъни мусаллас тайёрлаш кенг тарқалган. Айтиш жоизки, пивонинг алкохол градуси (15-20) винодаги градусга тўғри келади ва кўпинча таъсири бир-бирига ўхшашдир.

Арабистонда саодат асридан бошлаб май ҳаром деб эълон қилинган ва уни ичиш тақиқланган. Май ичган киши қўлга тушса, қаттиқ жазоланган. Озод одам ичса 40 дарра, қул ичса 80 дарра урганлар. Илгари Тошкентда ҳам май ичгани учун 40 дарра уришган. Ичган кишидан ҳазар қилиб, нарироқ юрилган.

Россияда Петр биринчи ичкилик ичган кишининг бўйнига «ичганлиги учун» деб ёзилган оғир чўян-медаль осиб қўйишни буюрган.

Инсоният 18-асрдан бошлаб пиво тайёрлаш усуллари ўрганиб, секин-аста ривожлантирган. Энг машҳур немис, чех пиволари ўз даврида фақат подшоҳлар ва бойларнинг дастурхонини безаб турар эди.

1950 — 1970-йилларда Тошкент шаҳридаги 6-пивзавод маҳсулотини халқ кўп истеъмол қилган эди. Унинг нархи арзон, сифати юқори бўлганлиги боис пивохўрлар кўпайиб кетди. Кўчада 40-50 градус жазирама бўлганда бир кружка муздек пиво кўп одамларга

ёқар ва улар шу билан ҳордиқ чиқаришар эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг пиво сотиладиган шохобчалар секин-аста 2 марта камайди ва ҳозирги кунда бу ичимликни гуруҳ-гуруҳ бўлиб ичиб ўтирганлар сони кескин камайди.

## Пивонинг таркиби

Кўпириб турган ва шу билан ўзига ром қиладиган



пиво таркибидаги энг фойдали моддалар — биофлавоноидлардир. Улар саратоннинг кўп тури ривожланишига тўсқинлик қилади, шу билан юрак ва томир хасталиқларининг энгиллашишига ёрдам беради. Аммо кўпгина олимлар ўз изланишларига суянган ҳолда тасдиқлашаптики, пиво-

нинг яққол ўзи юрак ишемик касаллиги ва инфарктлар ривожланишини кучайтиради, қон босимини кўтарди, пиво ва кучли алкохол сийдик йўлларида учрайдиган саратон касаллиқларининг пайдо бўлишини ошириб юборади.

Нима учун? Чунки ҳозирги пиволарда флавоноидлар сони илгаригиларга қараганда анча кам. Пивога антиоксидантлар гиёҳлар билан бирга кириб келади, лекин уларнинг сони кес-

кин фильтрацияда йўқолади. Пивога флавоноидлар кўп бўлса, у чўкма ҳосил қилади. Катта-катта пиво заводларида шундай «хираликни» тозалайдилар.

## Ширин аччиқ

Пивонинг таъми озгина аччиқ бўлса ҳам унда етарли даражада шакар бор.

Улар мальтозага бойдир. Бу модда глюкозага қараганда қонга 1,4 марта тез сўрилар экан.

Бундан ташқари, бу модда тез ва алоҳида ёғ тўқимасига ўтади ва шу жойда ёғга айланади. Шу сабабли кўпгина эркаларда «пиво қорин» кўп тарқалган, аёллар ҳам бундан мустасно эмас.

Пивони аёллар ичимлиги деса ҳам бўлади, чунки унинг таркибида жуда кўп фитостероидлар бор. Бундай таъсирдан кўкрак безлари катталаниши мумкин.

Афсуски, бугунги кунда аёллар ўртасида пиво ичиш кенг тарқалмоқда. Кузатишларимизга қараганда, бир гуруҳ аёллар пивога ароқ қўшиб ичишади, сўрасак шуниси яхши, тез кайф бўламан, оғир ҳаёллардан қутуламан, деб жавоб беришади. Уларни ҳақиқий алкохолизм касаллигига дучор бўлганлар сафига қўшсақ бўлади.

## Пивонинг салбий таъсири

Оч қоринга бирданига 1 шиша пиво ичилса, бош оғриши мумкин. Бунинг сабаби пиво таркибидаги биоген аминларда, улар оқсилларнинг парчалани-

шида пайдо бўлади. Бундан ташқари, пиво истеъмоли артериал қон босимини оширади ва буйракларга шикаст етказиши мумкин. Хулоса шуки, пиво гипертония касаллиги, юрак хуружи бор беморларга тавсия этилмайди.


Тўғри, пивонинг ижобий томонлари ҳам борлиги аниқланди. Гарвард университети олимлари халқ фикрини тасдиқлашди: ҳар куни 1 стакан пиво ичилса, буйракларда тош пайдо бўлиш хавфи 21 фоизга камайар экан.

## Пиво савдосининг ривожланиши

Замонавий пиво — кокаколага ўхшаган глобал маҳсулотдир. Машҳур немис ёки чех пивосини уларнинг технологияси бўйича Россия, Хитой, ҳатто Африкада ҳам тайёрлашади.

Ҳозир кўчаларда пиво ушлаган ёшлар кўп учрамоқда, гоҳида маст ҳолда. Қизларимиз ҳам йигитлардан қолишмайпти. Бизнингча, уларга маданиятни, соғлом авлод дастурини, покиза юришни ўргатиш вақти келмадимикан?

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
тиббӣёт фанлари доктори, профессор



Уч томондан тоғ билан ўралган, Бўстонлик туманининг энг хушманзара жойида, денгиз сатҳидан 1140 метр баландликда жойлашган «Оқтош» санаторийси бетакрор даволаш масканидир.

## «Оқтош» санаторийси 70 ёшида

Санаторий атрофидаги ёнғоқ, бодом, олча, арча дарахтлари ўзидан фитонцид, эфир мойларини ажратади. Худуддан оқиб ўтувчи Оқтошсой ва Айиксой табиий гидронлишни ҳосил қилади. Бу эса нафас олиш аъзолари, бўғоқ, асаб тизими касаллиқлари билан келган беморларни даволашда шифобахш таъсир кўрсатади.

Санаторийнинг асосий даволаш омили — тоғ ҳавоси. Бу ердаги кислород зичлиги 27-28 фоизни ташкил қилади. Иқлими мўтадил. Январдаги ўртача ҳарорат икки даража совуқ бўлади. Куёшли кунлар даври йилига 2550 соат, нисбий намлик 55 фоиз.

Санаторийнинг биринчи қаватида 16 ўринга мўлжалланган «Она ва бола» бўлими ташкил қилинган. Иккинчи қаватда эса уруш қатнашчилари, ногиронлар ва қариялар учун хоналар ажратилган. Улар бир ва икки кишилик бўлиб, барча

қулайликларга эга.

Санаторийда физиотерапия, парафинозекерит, уқалаш, лазер нури, магнит, ёруғлик билан даволаш йўлга қўйилган. Бунинг учун даволаш-ташхис бўлими «Дарсенвал», «Витязь», «Вулкан» каби тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Масканда шифобахш гиёҳ-

лар билан ҳам даволаш йўлга қўйилган. Жумладан, дам олувчиларга юқори нафас йўллари, асаб, ошқозон, жигар ва ичак, юрак-томир касаллиқлари учун шифобахш чойлар дамлаб берилади.

Сихатгоҳда дам олувчиларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Уйин майдонлари, клуб, видеотека хонаси мавжуд. Таниқли хонандалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил қилинади. Шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Даволанувчиларнинг Чимён



Билдирсой, Чорвоқ сув омбори, Хумсонга саёҳати уюштирилади.

Санаторий кутубхонасида китобхонлар бадиий ва илмий китоблар, газета-журналларни ўқишлари мумкин.

Юртимизнинг энг сўлим гўшларидан бири бўлган «Оқтош» санаторийси жамоасини юбилей билан муборакбод этамиз.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

**(Боши 141-сонда)**

— Эрингизнинг вафоти битилган сўнгги мактубингизни олмадим. Йўлда ушланиб қолган бўлса керак. Айримларини эса олдим. Мен... Мен мактубларингизни Винапига ўқиб бердим. Шунинг учунки, оқ танли опаларининг оёғи ҳаминқадар суюқлигини билсин учун.

— Сиз ҳали олмаган сўнгги мактубимда эрим полковник Сейзернинг вафоти ҳақида ёзган эдим, бир йилча бўлди. Сўнг, агар сиз келмасангиз, унда ҳузурингизга ўзим бораман деб ҳам ёзган эдим. Мана, келдим, ваъдага вафо қилиб...

— Мен ҳеч қандай ваъдаларни билмайман.

— Биринчи мактубларимни эсланг.

— Ҳа, дарвоқе, ваъда бергансиз. Бироқ мен сиздан ваъда талаб қилмаган эдим-ку. Шу сабабларим мактубларингизга жавоб ёзмадим. Қолаверса... қисқаси, ҳеч қанақа ваъдаларни билмайман. Аммо бошқа бир ваъдани биламан. Яъни... балки сиз эслай олмасиз, унга анча бўлди. — Дэвид болтасини полга тушириб юбориб, бошини кўтарди. — Ҳа, анча бўлди. Бироқ мен яхши эслайман, кунни, дақиқаларига... Ушанда биз энангизнинг боғида, ҳа, энангизнинг боғида, хушбўй гуллар кўйида эдик. Оламда баҳор, қалбларимиздаям баҳор эди. Ушанда сизни илк бор... Илк бор **кучоқлаб** лабларингиздан ўпганим... Эсингиздадир?..

— Бўлди Дэйв, бўлди, сўйламанг, ушаман. Ушанда қанчалар йиғлаганим, азоб чекганимни билсангиз эди... Бари эсимда. Қанийди ўша кунлар, ўша ўпишлар яна такрорланса. Ушанда сиз ваъдалар бергансиз. Соқларимни силангиз, боқишларингиз, кўп нарсаларни ваъда қилган эди. Аммо бу ваъдалар... ўзга бир одамга вафо қилди. У жуда кекса, сизга фақат ота бўлиши мумкин эди, Тўғри, у хийла келишган, айтишларича, қобилгина одам бўлган, бемаъни ишлар қилмаган, қонуннинг ҳатто бирор ҳарфини ҳам бузмаган. Ҳа, дарвоқе, у бой — қонлари, деҳқончилик ерлари бор эди. У...

— Йўқ, гап бошқа ёқда эди, Дэйв, айтаялман-ку, мени мажбур этдилар. Пул... Муҳтожлик... Қариндошлик бурчи... Кўнгилсизликлар... Оҳ қандай жиркан ҳодисалар-а. Бундай бўлишини асло истаман эдим. Мени ҳалокатга бошладиларми ё ўзимни ўзим ҳалокатга олиб келдимми, билмайман, сиз қандай тушунасиз. Ушанда сиздан кечибман-а, ё алҳазар! Менга раҳмингиз келсин, адолат қилинг, мен... Мен яшашим керак.

— Демак, сизни мажбур этишган, сиз эса истамагансиз, шундайми? Бу дунёда сизни бегона тўшаққа зўрлаб ётқизувчи куч бўлмас керак, деб ўйлайман. Йўқ, бундай куч йўқ.

— Барибир... Ушандаям сизни севар эдим.

— Мен муҳаббатни сизнинг андозангиз билан ўлчамайман, умуман.

— Булар ўтган гаплар, энди...

— Сизни шайдо этган ўша одам... Қизиқ, ўшанда унинг нимаси сизни ҳайратда қолдирди? Сиз ундан қанақа олижаноб хислатларни топдингиз? Тўғриси, у одам бамисоли бир олтин қўл, ҳа, олтин қўл эди. У пул топишнинг буюк устаси, ҳамён қаппайтиришнинг

жуда ифлос йўлларини биларди. Қонун эса бу ишларга панжа орасидан қаради, уларни жавобгарликка тортмади, аксинча, христиан ахлоқимиз уларни ҳимоя қилди. Ўша одамнинг, жамининг сизга нимаси ёққан ҳайронман.

— Дэйв, сиз унинг марҳумлигини унутиб қўясизми, — Бунинг аҳамияти йўқ... У ўзи ким эди? Ялпайган, дангасалигидан қорин қўйиб семирган, ҳайвондай қўпол, нодон, қўшиққуйланганда кар, гўзаллик қаршида кўр, қалбсиз бир одам эди.

— Гап ҳозир ўзимиз ҳақимизда, эшитаяпсизми, ўзимиз ҳақимизда! Хўп, сиз ҳақ, мен вафосизман, ваъдаларни сизга, вафосини ўзгага бердим. Сиз-чи? Муҳаббатим абадий деган эдингиз, боғда, қани ўша муҳаббатингиз?

— Мана бу ерда! — қизишиб кичқирди Дэвид кўрагига муштлаб. — Абадий шу ерда!

— Сизга бўлган муҳаббатимдан кудратлироқ муҳаббат йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган эдингиз ўша боғда. Шу муҳаббатингиз хурмати, оёқларингизга бош қўйиб, ёлвориб йиғлаётган бир аёлни — мени кечиринг!

Дэвид аросатда қолди, лаблари унсиз пичирлади. Сейзер хоним уни шу вақтгача яшириб келаётган кўнглидаги бор гапларни айтишга мажбур этди. Хоним шу он бирам хушрўй, юзларига тошиб чиққан туйғуларни бирам илиқ боқира эди-ки... Беихтиёр кўнгалашган хотиротларни янгилаб юборди. Дэвид унинг юзларига қарамаслик учун тескари бурилди. Хоним яна юзма-юз бўлди.

— Кўзларимга қара, Дэйв, кўзларимга қара! Мен ҳали ушаман, сен ҳам ўша — менинг Дэйвимсан! Эшитаяпсанми, биз ўзгарганимиз йўқ!

Сейзер хонимнинг кўллари унинг елкаларидан кучди. Дэвид уни кучоқламоқчи бўлганда, гугурт чўпи чирсиллаб ёнди, Винапи уларга эътиборсиз ҳолда шам ёққанди. Шамнинг олтин шуълалари ёруғида Винапининг кумушдай юзлари улуғвор кўринди.

— Кўриб турибсиз, мумкин эмас, — деди Дэвид Сейзер хонимнинг кўнгири сочили бошини ўзидан нари итариб. — Мумкин эмас.

— Мен қиз бола эмасман, Дэйв, гўдақ ҳам эмасман, — деди Сейзер хоним ва яна унга яқинроқ келди. — Мен аёлман, ҳаммасига тушунаман. Эркак — ҳаммаша эркак. Бу ерларнинг одатиниям биламан. Бир қарашдаёқ ҳаммасини тушунган эдим. Сиз чинданам уйланганми-сиз?

— Бизнинг Аляскада бунақа савол бермайдилар.

— Биламан, аммо...

— Нимаям дердим, ҳа. Фақат юқонча никоҳдан ўтганмиз.

— Фарзандларингиз ҳам бордир?

— Йўқ.

— Унда...

— Йўқ, йўқ, мумкин эмас, иложи йўқ.

— Иложи бор. — Хонимнинг бармоқлари Дэвиднинг чайир кўллари билан



**ЖЕК ЛОНДОН**

нинг яна бегоналашаётганини ҳис этиб, талвасага тушди:

— Дэйв, Дэйв! Мен сизни ҳеч кимга бермайман, йўқ, бермайман! Кетишни хоҳламасангиз унда ўзим қоламан. Сиз мен учун дунёдаги энг қимматли одамсиз. Сизни ҳеч кимга бермайман! Мен сизга фидойи шимол аёли бўламан, итларингизга овқат берман, юришингиз учун сўқмоқлар очиб берман. Айтганларимнинг удасидан чиқаман, ишонинг, мен кучли аёлман! Дэвид, Сейзер хонимнинг гапларига шубҳаланмаган бўлсанда, уни ўзидан нари итарди, юзлари аянчли қаҳрли тус олди, кўзлари худди муздай совуқ боқди.

— Пьерга одамлари билан жавобини бериб юбориб, сиз билан қоламан. Кашиш бизнинг никоҳимизга фотиҳа берадим йўқми, менга барибир, сиз билан хоҳлаган томонга кетаман, эшитаяпсизми, Дэй-й-йв, Дэй-й-йв!... Тўғри, айб менда. Раҳм қилинг, шу айбларимни ювай, ўшанда муҳаббат қадрига етмаган эканман, энди қадрига етаман, Дэйв, мана, кўрасиз.

Сейзер хоним ерга чўккалаб, Дэвиднинг тиззаларини кучоқлаб, энтикиб, ёлвориб йиғлади:

— Мени севасиз-ку, шундайми, севасиз-ку, ишонинг, сизни узок йиллар кутдим, азоб чекдим, сизни деб... Дэй-й-йв!..

Дэвид энгашиб, Сейзер хонимни турғизди. Эшикни очиб, хонимни кулбадан мажбуран етаклаб чиқди, энди кескин сўзлади:

— Кулоқ солинг. Бу мумкин эмас, Фақат ўзимизни ўйламанг. Сиз... Кетинг... Сизга оқ йўл тилайман. Олтиш миллик йўл жуда машаққатли, биламан, аммо сизга осон, қайиқларингиз бор. Келинг, хайрлашамиз.

Сейзер хоним шундагина ўзини ўнглаб олди. Кўзлариди, Дэвидга ёлвориб термулаётган кўзлариди сўнгги... сўнгги умид ёшлари йилтиради.

— Борди-ю... Борди-ю, Винапи кўнса-чи?

— Йўқ, бу ҳақда ўйламанг ҳам бўлади, умид қилманг.

— Мени ўпинг... ўпинг, — шивирлади хоним ва бурилиб, нари кетди.

— Кўчларни йиғиштиринг, Пьер, кетамиз, — деди Сейзер хоним уни сабрсизлик билан кутаётган йўлбошловчисига.

Пьернинг зийрак кўзлари гулхан ёруғида Сейзер хонимнинг юзларидаги аламли ифодани сездю-ю, гўё сезмагандай бепарво, фармонни бажара бошлади.

— Хўп, хоним, — хотиржамлик билан деди у. — Қаёққа? Доу-сонгами?

— Йўқ, — лоқайд жавоб берди хоним. — Дарё бўйлаб Юқорига, Дайюга ҳайданг. Йўлбошловчи кўрпага буржаниб улаётган одамларни тепиб, сўкиб уйғотиб, ишга солди. Чўн қозонлар, кўрпалар йиғиб олинди. Бекорчиликка ўрганиб қолган одамлар юкларни эринчоқлик билан

қайиққа ташиб, ўриндикни қўлайроқ қилгунларича кирғоққа чиқиб турди.

— Оролни айланиб ўтамиз, — тушунтирди Пьер узун шатак арқонни оларкан. — Ўша ёқдан жўнаймиз, у ёқда оқим яхши, ўйлайманки, ҳаммаси жойида бўлади.

Ўтган йилги себаргаларнинг тез-тез келаётган қадамлар остида эзилиб шитирлагани эшитилди. Сейзер хоним бурилиб қараб, кетидан кучуқлар эргашиб келаётган Винапини кўрди. Винапининг юзлари кулбада эканликлариди лоқайд ва хотиржам эди. Энди эса нафрат ва газаб билан ёнган:

— Эримни нима қилиб қўйдингиз? Ранги бирам ўчган, тўшақда ётибди. «Сенга нима бўлди, Дэйв, тобинг қочдимми?» десам, индамайди. «Сен яхшисан, Винапи, бор, бор, ҳозир тузалиб қоламан», дейди, холос. Айтсангиз-чи, эримни нима қилиб қўйдингиз? Сиз ёмон аёл экансиз.

Сейзер хоним унга қизиқиб ва ҳавас билан тикилди. Ҳадемай у қоронғи йўлда юради, ёввойи Винапи эса Дэвид билан, унинг Дэвиди билан ёлғиз қолади... Винапи хорижий тилда сўзларни донна-донна қилиб яна такрорлади:

— Сиз ёмон аёл экансиз. Яхшиси, бу ердан тезроқ кетинг, бошқа келманг, хўпми? Сиз оқ танли аёлсиз. Юзларингиз оппоқ, момикдай... Кўзларингиз бирам кўм-кўк, осмондай... Хушсуврат аёлсиз, ҳали ошиқларингиз кўп бўлади... Мен эса бир бечора, қора танлиман. Кўриб турибсиз, бор-йўғи биттагина эрим бор. Унданам айрилиб қолсам... Яхшиси, кетинг, хўпми? — Винапи Сейзер хонимдан чўчимай, кўпол кўллари билан унинг чап юзини силади. Пьер ҳалоскорларча Винапига қараб юрди, Сейзер хоним ишорат қилди.

— Кўяверинг, келманг. Пьер уларнинг гапларини эшитмаслик учун ва лозим бўлиб қолса бир неча қадамдаёқ, етиб келадиган жойга бориб турди. Винапи энди Сейзер хонимнинг ўнг юзини силади.

— Юзларингиз бирам оппоқ, оҳ, момикдай, гўдак юзларидай. Ҳадемай чивинлар пайдо бўлади, улар чақади, кейин, юзларингиз яра бўлиб, шишиб кетади, сўнг оғрийдди. Ух, даҳшат. Кўз олдингизга келтиринг, жуда кўп чивинлар, қавариқлар... Чивинлар пайдо бўлмасдан кетганингиз яхши. Манави йўл Сент-Майклга олиб боради. Манавиниси Дайюга олиб боради. Сиз Дайюга борганингиз маъқул. Хайр.


Сейзер хоним кутилмаганда... Винапини бирдан... бағрига босиб ўпди... Йиғлаб юборди:

— Уни авайла, авайла!

Сўнг, пастга, дарё бўйига югуриб кетди. Орқасига ўгирилиб: «Хайр!» — дея кичқирди, сакраб қайиққа чиқди. Пьер келиб қайиқни кирғоқдан итариб узоклаштирди, эшакларни олиб ўзи ҳам қайиққа чиқди-да, кетдик, деди. Эшакчилар эшак тортишиб, қадимги французлар қўшигини бошлаб юбордилар. Қайиқ сувни икки тарафга ёрганича қоронғиликка сингиб кетди.

**Тоғай МУРОД**  
ўзбекчалаштирган

Ифтихор



«Чала», «Енбош» сўзи бутун заминда Янграмоқда, қалба кувончдан титраш! Шодланай «Халол», деб йиқитганинда Чунки Кураш – ўзбек, Ўзбек бу – кураш!

# Кураш кенг қулоч ёзмоқда

Суратдаги отахонларга қаранг. Бири етмишни қоралаб қолган бўлса (68 ёш), иккинчиси олтимишдан ошган. Ўнгадигиси, қатор йиллардан бери эл саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган, бугунги кунда Чирокчи туманидаги «Сано» хусусий шифохонаси бош ҳаками Абдурашид Жўрақулов. Чапдагиси кураш бўйича 13 карра Ўзбекистон чемпиони, фахрийлар ўртасида уч марта жаҳон чемпионлигига эришган полвон, айни пайтда «Пахтакор» ҳўжалигида «Абдурашид полвон бобо» хусусий кураш мактабида юзлаб ёшларга спорт тури синоатларини ўргатиб келаётган фидойи мураббий Абдурашид полвон Мирзаев.

Бу икки адаш полвоннинг мазкур сурати оддий фото эмас. У тарихий анжумандан хотира.

Гап шундаки, Абдурашид Жўрақулов ёшлигида ҳар бир ўзбек ўғли каби кураш билан жиддий шуғулланган. Усулларнинг ранг-баранглиги, тўйкурашлардаги ишқибозлик завқи, қолаверса, ўзбекона гурур туйғулари уйғунлашиб, ёш Абдурашиднинг эгнига ятак кийишга ундарди. Самарқанд тиббиёт олийгоҳида ўқиётган пайтида вилоят ва шаҳар биринчилигида беш марта биринчи ўринни эгаллади. Бўш вақтини юнон-рум кураши ва миллий кураш секцияларида ўтказиб, қисқа фурсатда спорт

устаси меъёрини бажаришга ҳам муваффақ бўлди.

Институтни битиргандан кейин аҳоли саломатлиги йўлида ўз фаолиятини бошлади, бироқ курашни ташлаб қўймади: Вилоят миқёсида ўтган тиббиёт ходимлари спартакиадасида қатнашиб юрди.

Мана, фахрий полвон яна майдонга қайтди. Яъни, яқинда у ва бир гуруҳ кураш усталаридан иборат Ўзбекистон

лари, балки, ундаги ҳурмат-эҳтиром намуналари катта таассурот қолдирди.

Адашларнинг иккинчиси — Абдурашид бобо Мирзаев ҳам ўз дил изҳорларини баён этди:

— Истиқлол туфайли дунё ўзбекини, унинг миллий ўйинларини, мард ва танти халқини яқиндан таниди. Шахсан, ўзимдан гапирсам, қариган чоғимда бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилган. Қишлоқда

дунё спорт турига айланаётганидан бошим осмонга етади.

— Мана, Кореяга бориб келдик. Халқаро Кураш Ассоциацияси раҳбарияти 30 нафар фахрий полвон сафидан Абдурашид дўхтир иккимизга ишонч билдирди ва бундан шодланмай бўладими!

Пусандаги миллий ўйинлар фестивалига борган Ўзбекистон делегацияси сафида халқаро тоифадаги ҳакам, ўнлаб чемпионларнинг устози, «Пахлавон» профессионал кураш клуби асосчиси Олимжон Ҳайитов ҳам бор эди. Олимжон аканинг гаплари полвон боболар фикрига ўзига хос хотиما бўлди:

— Бахтимиз бор эканки, курашимиз кенг қулоч ёйиб ривожланмоқда. Мана яқинда Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтган кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз йигитлари кўплаб вазн тоифаларида ғолиб бўлишди. Абдурашид полвон бобо ва Абдурашид Жўрақулов каби кураш фидойилари, фахрий полвонларнинг шижоати дунёга намуна бўлаяпти. Пусанда кўплаб хориж мутахассислари курашимиз усуллари билан қизиқиб қолди ва биз уларга қалбимиздан меҳр ва ўзгача ҳаяжон билан спорт тури сирларини ўргатдик. Демак, яна шуғулланувчилар кўпаяди, кураш географияси кенгайди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хабар берганимиздек, Того Республикасининг Ломе шаҳрида белбоғли кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ташкил этилди.

Унда дунёнинг қиркдан зиёд давлатлари полвонлари эркин ва классик йўналишларда ўз омадини синаб кўришди.

Жумладан, Шавкат Мирзақулов мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси мазкур мусобақада бир олтин, уч кумуш ва тўртта бронза медалларини қўлга киритди.

Белбоғли кураш бўйича икки марта жаҳон чемпиони Рустам Умаров бу гал ҳам барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Зоҳид Ортиқов, Шўҳрат Бозоров, Жаҳонгир Абдулҳаев кумуш, Муҳиддин Ашуров, Жамолiddин Бозоров, Ўғилой Латипова ҳамда Искандар Маҳаматов чемпионатнинг бронза медаллари билан тақдирланди.

Тошкент халқаро аэропорти... Эрта тонг. Спорт ишқибозлари, чемпионларнинг ота-оналари ва бир гуруҳ мутахассислар музаффар спортчиларни кутиб олишди. Биз ҳам терма жамоамиз аъзоларини зафар билан қутлаб, дил сўзларини ёзиб олдик.

**Рустам Умаров, жаҳон чемпиони:**

— Бу галги жаҳон чемпионатида Африка қитъаси вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. Чемпионликкача бўлган йўлда энг оғир учрашувим Қирғизистон ва Украина полвонига қарши ўтди. Ушбу чемпионат белбоғли кураш ҳадисини олган спортчилар кўпайиб бораётганини кўрсатди.

**Юсуфжон Умаров, чемпионнинг отаси:**

— Ўғлимиз жаҳон чемпионатида кетган кундан бошлаб, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси мутасаддилари билан кўнғироқлашиб турдик. Рустамнинг жаҳон чемпиони

бўлгани ҳақидаги хушxabар барчамизни хурсанд қилди. Ўғлим таҳсил олган, бугунги кунда мураббийлик қилаётган Тўрақўрғон тумани Тўйчи полвон Сиддиқов номидаги спорт мактаби жамоаси, маҳалла-кўй бизни ушбу ғалаба билан қутлади. Фурсатдан фойдаланиб, ўғлимнинг мураббийлари, машғулотлар учун шароит яратиб берган спорт мутасаддиларига миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Аъзамжон Шокиржонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси вице-президенти:**

— Ота-боболаримиздан мерос спорт тури, белбоғли курашнинг жадал ривожланаётганидан хурсандимиз. Ҳатто Африка қитъасида ҳам бу тур билан жиддий шуғулланяпти. Бу биз учун фахр.

Мусобақага борган ўн нафар полвонларимизнинг саккиз нафари медал билан қайтишди. Бу катта муваффақият. Йигитларимиз ғалабаларини Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллик байрамига тўхфа қилишларини билдирмоқда. Полвонларимиз Тогодан яна бир хушxabар олиб келишди. Яъни, чемпионат доирасида ўтган Халқаро федерация Конгрессида 2009 йилги жаҳон чемпионати мезбонлиги

бизнинг юртимизга ишониб топширилгани зиммамизга янада масъулият юклайди. У барча вилоятларда ишлаётган белбоғли кураш мураббийлари олдига кучли спортчиларни тарбиялаш ва Кураш Ватанида улкан ғалабаларга эришиш, бор маҳоратимизни бутун дунёга кўз-кўз этиш вазифасини қўяди.

**Шўҳрат Бозоров, +100 кг. вазн тоифасида кумуш медал соҳиби:**

—Тогода кураш очик майдонда ўтди. Белбоғли кураш йилдан-йилга ривожланяпти.

— Сиз уч йилдан буён жаҳон чемпионатида кумуш медал билан қифояланяпсиз. Бу гал финалда нима етишмади, деб ўйлайсиз?

— Мали, Нигерия терма жамоаси полвонини ютиб, финалга чиқдим. Украиналик курашчидан устун келаётганимиз, бироқ сўнги паллада у

Белбоғли кураш

# Тогодаги муваффақият



ғалабани илиб кетди. Келгуси йил жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтадиган бўлди. Хатолар устида ишлаб, мухлисларни хурсанд қилишга ҳаракат қиламан.

**Ўғилой Латипова, 58 кг.да бронза медали соҳиби:**

— Тўйчи полвон Сиддиқов номидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тўрт нафар ўқувчиси ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Устозимиз Неъмат ака Тўйчиев, Шавкат ака Мирзақуловга раҳмат. Рақобат анча кучли бўлишга қарамасдан бронза медалига эришдим. Жаҳон чемпионатида ўзимнинг ҳам тажрибам анча ошди, дейиш мумкин. Айни пайтда Тўрақўрғондаги БЎСМда қизларга кураш сирларини ўргатяпман. Мусобақа менга жуда фойдали бўлди.


Суннатилла ЎРОЛОВ


# Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади. Мамлакатимиз истиқболи ва равнақи йўлидаги фидокорона ишларига ривож, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик, бахт-саодат ва мустақкам соғлиқ тилайди. Бахтимиз қомуси ҳаёт йўлимизни ҳамisha мунаввар этаверсин!*



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING  
КОНСТИТУЦИЯСИ





СИЗДИ  
ИЗОХ



Гарчи биз кичкинтоймиз,  
Зарба бермоққа шаймиз,  
Қулай пайтини топиб,  
Бир зарб билан боғлаймиз.

**Турди ҲАЙДАРОВ,**  
Кашқадарё  
вилояти ИИБ  
ЎХБ матбуот ходими

Эътиборсиз бўлмангиз,  
Кичкина дея бизни.  
Писанд қилмасангиз гар,  
Боплаб тепамиз сизни.

Жеки Чан бўлар акам,  
Жет Ли дўстим бўлади.  
Сутимни бермасангиз  
Ҳолингиз вой бўлади.

**Азизбек НОРОВ,**  
Қарши шаҳри

Аянга соқовланиб,  
Нималардир дединг-ку.  
Эркалатиб кўтарсам,  
Башарамни «единг-ку».

**Саиджон ОЛИМОВ,**  
Жиззах вилояти



Энди навбатдаги суратга  
изох топинг-чи?

Рукнимизнинг ноябр ойи  
голиби сирдарёлик мухлисими  
Зафар Комилов деб топилди.

«Обуна-2009»

Ўил бўйи «Ishonch» билан

— Ўтган йили 65 нусха «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газетасига ёзилган бўлса, кейинги йил учун 72 нусха «Ishonch», 16 нусха «Ishonch-Доверие»га обуна бўлди, — дейди Наманган шаҳар халқ таълими бўлими касаба уюшма кўмитасининг раиси Рустамжон Қирғизов. — Газетанинг ўқиши чиқётганлиги унга нисбатан эътиборни орттирмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотла-

ри бирлашмаси кенгашидан маълумот беришларича, ҳозиргача вилоят халқ таълими касаба уюшма кенгашида 600 та обуна тўпланган.

Мухими, обунанинг асосий қисми бир йилга мўлжалланган бўлиб, газетхонлар йил охирига қадар «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўқиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**  
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»га ишонамиз!

Туманимиз зиёлилари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ҳам севиб мутолаа қилишади. Ўзим-да ушбу нашр саҳифаларида меҳнат муҳофазаси ва касаба уюшмалари иш тажрибаларига доир берилаётган мақолаларнинг барчасини ўқиб бораман.

Шунингдек, ҳуқуқий мавзулардаги чиқишлар ҳам ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Умуман, ушбу газеталар орқали мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиб, зарур ахборотларнинг анча қисмини олишга муваффақ бўлаёмиз. Шу ўринда таклифимни ҳам айтиб ўтишни истардим. Биз «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» саҳифаларида дунёдаги касаба уюшмалари фаолиятларига доир мақолаларни ҳам ўқиб боришни истардим.

2009 йилда сеvimли газеталаримиз янги мавзулар билан янада бойийди деган ниятда туманимизда обуна жараёни уюшқоқлик билан давом этмоқда. Шу кунгача 30 дан зиёд соҳа ходимлари «Ishonch» газетасига обуна бўлишди.

**Давлатиёр ҚАЛАНДАРОВ,**

Беруний туман Таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

«ISHONCH» — сизнинг дўстингиз

- Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машхурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...



...«ISHONCH» билан дўстлашинг!

**Мабодо уни газета  
пештахталаридан  
топа олмасангиз...**

...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора  
эшигингизни ўзи  
тақиллатиб боради.

«Ishonch» ўил давомига сизнинг энг яқин  
ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!



(8-14 декабр)

**КУИ**  
Ҳаётингизда раиғ-баранг ва ажойиб имкониятлар кўпаяди. Душанбада иш олға силжиб, узоққа манфаатли саёхатга чиқишингиз мумкин. Ҳафта банк ва йирик ташкилотлар билан мулоқот учун омадли. Катта битимларни ҳал қилишда сизга кўмак берилиши кутилмоқда.

**БУЗОК**  
Ҳафта сиз учун омадли кечади. Ишингизда лавозимда кўтарилиш кутилмоқда. Шахсий ишлар бобида ҳам худди шундай бўлади. Оилангиз учун фойдали буюм харид қиласиз. Вазмин ва мулоқазали бўлганингиз учун ҳамма ишлар жойида, шу сабабли бемалол режалар ҳақида ўйлаш мумкин.

**ЎГИЗАКЛАР**  
Барча соҳада фаоллигингиз ошади. Матбуотда ёки тадбир ва учрашувларда чиқиш қилишингиз мумкин. Тил билсангиз хорижий ҳамкорлар билан ишлаш имконияти тугилади. Тажриба тўплаш, билим ўрганиш учун муносиб кишилар учрайди.

**ҚИСКИЧКА**  
Сизни шахсий ҳаётингиз ва ишингиз билан боғлиқ қизиқарли янгиликлар кутмоқда. Бизнес соҳасида кўлаб янги ҳамкорлар билан ишлашга тўғри келади. Иш тартибингиз жуда тизим бўлганидан хатто дам олишга ҳам вақт қолмайди. Барча юмушларни бажаришга улғурши учун ўзингизни жосмонан ва руҳан тетик тутишга интилинг.

**АРСЛОН**  
Соғлигингиз ва руҳиятингиз аъло даражада бўлади. Иш юзасидан уюштирилган тадбирлар муваффақиятли ўтади. Шунинг натижасида катта таклифлар олишингиз мумкин. Бу эса шахсий ва ишдаги ўсишда кўмак беради. Молиявий имкониятингиз ошади. Иҳод бобида ҳам унумли меҳнат қиласиз.

**ПАРИЗОД**  
Ҳафта бошланишидаги икки кун муҳим ишлар билан банд бўласиз. Душанба кунини ташвишларга бошингиз билан шўнғиб кетасиз. Муваффақиятингиз қабул қилган қарорингизга боғлиқ. Кутилмаганда режалар ўзгариб қолиши мумкин.

**ТАРОЗИ**  
Ҳафтанинг дастлабки икки кунини мудроқ ҳолатда бўласиз. Анчагина низоли ҳолатлар бўлиши мумкин. Чоршанбада кутилмаганда уйғонасиз, кучингизга куч қўшилади. Шу кунларни ҳақгўйлик қилишга интиланг.

**ЧАЕН**  
Ҳаётдаги барча соҳада яхшилик бўлишидан умид қилишингиз мумкин. Атрофдагилар сиз билан дўстона муносабатда бўлишади. Натижада яқинларингиз рағбатини ҳис этасиз, ҳамкасблардан кўмак оласиз, иш ва сафарда муваффақиятга эришасиз.

**УҚОТАР**  
Ҳафтада ҳаётингизнинг жўшқин палласи кузатилади. Муваффақиятлардан тўқиниланиб янги истиқболни ҳис этасиз. Ҳаммаси яхшиликка бўлади. Айниқса, тугилган кун соҳиблари мислсиз кўтаринки кайфиятда бўлишади. Хизмат лавозими бўйича кўтарилишингиз мумкин.

**ТОҒ ЭҶКИСИ**  
Сизни ёқимли совғалар кутаяпти. Ажойиб учрашувлар ҳафта давомида кайфиятингизни кўтаришга хизмат қилади. Чоршанба кунини чиройли, замонавий буюм харид қилмаган маъқул. Ташқи кўринишингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

**ҚОВГА**  
Кўп режалар кўз ўнгингизда амалга оша бошлайдилар. Ишлар тўғрисида кўп ташвиш чекманг, байрам ҳақида ўйланг. Ишда ва оилада сизни қўлаб-қувватлашади. Ҳомийлар ва дўстлар кўп муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади. Кенг миқёсда режалар тугилади.

**БАЛИК**  
Ҳафта бошида ўз қондангиз бўйича ўйнай олмайсиз. Душанба ва яқинда кунларини муомалада эҳтиёт бўлинг. Ишни шундай бажарингиз, биров эътироз билдирма олмасин.

<b>Ishonch</b> МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир <b>Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ</b>	Бизга кўнгиноқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусаматов
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Мазмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсунуи Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов
					Буюртма Г— 1114   Тиражи: 10129 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.20 Сотувда эркин нархда   2 5 6